



Ўзбек-қозоқлар орасида сиёсий тараққиёт
учун ҳаракатлар



Бурундукхон (1480 - 1511) ўзбек-козокларни ўз ҳокимияти остида бирлаштиришга ҳаракат қилган бўлса-да, мақсадига ета олмади. Душмани бўлган Бухоро ўзбекларидан паноҳ ишташга мажбур бўлди ва кейинроқ шу ерда оламдан ўтди. Козоклар 1502 йилдан бери хонлар сайлаб қўйиладиган уруг иттифокида яшар эдилар, қабила султонлари мустакил ҳаракат қилар эдилар.

Кудратли Косимхонгина (1441 - 1518) козокларни ўз ҳокимияти остида бирлаштиришга муваффақ бўлди. Бир миллионга яқин инсонни ўзига бўйсундирган Косимхон 1503 йилдан эътиборан козокларнинг давлат раислигини ташкил қилди. У 1521 йилда Сайрам (Чимкентдан 16 км Жанубдаги Сайрам, эски Исфиджоб шаҳри Тошсой ва Тувалоксой сойлари орасида жойлашган эди. Сайрам қалъаси Х асрда ҳам вайрон қилинган эди. XIII асргача Исфиджоб деб номланди. Бу шаҳар ҳозирги кунда бир қишлоқ ҳолига келган. Қаранг: П. Д. Иванов. К вопросу об исторической топографии старого Сайрама., «Бартольдга» асари, 151-164-бетлар.) шаҳрини ишғол қилди. Вориси Тохирхон даври козокларнинг парчаланиш даври сифатида маълумдир. Бу хон козоклар бирлигини асрай олмади. Тохирхон ўзига боғлиқ одамлар билан Мўғулистонга қўчиб кетди ва ўша ерда ўлди (ўша замонда «Мўғулистон» деганда Олатогга қадар бўлган тоғлиқ ўлка. Сирдарёнинг юқори қисми. Исиккўл хавзаси билан бирга Норин дарёси. Или дарёси тевараги Торим хавзаси ва Турфон воҳалари тушуниларди.).

Ундан сўнг Мамиш, Байдаш (1533 - 1534), Барак ва Дарвишхонлар козоклар бирлигини янгидан қуришга интилдилар. Фақат Косимхоннинг ўғли Ҳакназаргина (ўл. 1581) бутун козокларни қўл остида бирлаштиришга муваффақ бўлди. Унинг вориси Шигайхон (1581 - 1583) Бухоро ўзбеклари билан иттифокда бўлди ва Ясса шаҳрини ишғол қилди.

Шигайхоннинг вориси Таваккал (1583 - 1599) ташки душманлардан ўзини ҳимоя қилишга

мажбур бўлди. Таваккалнинг жияни Ўроз Мухаммад Жанубий Сибирда руслар томонидан асир олинди. Таваккал жиянининг озод этилишини талаб этди. Руслар эса, Таваккал агар руслар билан биргаликда Жанубий Сибир хони Кучумга қарши урушда қатнашажагини ваъда қилса, жиянини озод этажакларини айтишди. Таваккал русларнинг буйругига бўйин эгиб, Кучумхонга қарши юриш бошлади. Бирок, барибир, жиянини руслар асирлигидан қутқара олмади. Козокларнинг ўрта юзлиги (Улуғ Юз, Ўрта Юз, Кичик Юз) Таваккал даврида шаклланиб, ҳақида тахмин қилинади. Таваккал ўзбек императорлигига ҳам қарши қурашгандир. Бухоро атрофидаги жангда яраланиб, бунинг оқибатида 1599 йилда вафот этган. Бундан сўнг козокларнинг бирлигини ҳеч қим ҳимоя қила олмади (Riza Nur, 8-10-б. Тинишпаев, 46-51-б. Козок хонлари ҳақида ҳатто бир фикрни қўйган. Бу ҳолат «Козок ССР тарихи», 1-ж., асарида ҳам такрорланади (М.Авезов нашр этган). Алма-Ата, 1951, 185-190-б.). Улар қалмоқларнинг истилоси ўлароқ ўз муштаракликлари ва эркинликларини йўқотдилар. Таваккалнинг меросхўри Ишимхон(Riza Nur, VI, 10 б.; Тоған, илова 3. В. Найт, Nationale Regierungen; Kazak(28) 5 б. 180-б. ларга қўра асл исми Ишимхон эмас, балки Эсимхондир, салтанат даври эса 1598 - 1628 йиллардир.) таназзулга юз тутган ҳокимиятга эга бўлган ҳолда (1599 - 1640) қалмоқларнинг босқинига қарши қурашди. Шу билан бирга қалмоқлар ғалабасининг олдини олиш имкони бўлмагани учун қўп ерларни бой берди. Чунки қалмоқлар Ботир Хунтайчи бошчилигида XVI асрнинг ўрталарида Зайсан-Балхаш қўллари ва Чу, Или, Аягуз ирмоқларини босиб олгандилар (Илья Яковлевич Златкин, История жунгарского ханства. Москва, 1964, 169-170-стр.).

Ишимхоннинг вориси Жаҳонгирхон ҳам отаси қаби қалмоқларга қарши урушни давом эттиришга мажбур бўлди. Айтилган вақтда Тавкхон (1680 - 1717) ҳам қалмоқларга қарши ўзгаришларни жанг қилди. Бирок қалмоқларнинг муваффақиятли юришига қарши козок тупроқларининг ҳавфсизлигини таъминлашга муваффақ бўлинмади. Тавкхон ҳокимияти даврининг ўзига ҳос хусусиятларидан бири шуки, у одат ва қонунларни муштарақ равишда тартибга солиб борди. Тавкхон козокларнинг бутун одат ва ҳуқуқ меъёрларини бир ерга тўплашни олти олимга буюрди. Тавкхоннинг шахсан ўзи аъзо бўлган бу илмий хайъатга Тули Алибек раислик қилар эди. Қонун қўллийи Охангарон ирмоғининг ўнг қирғоғидаги Қўлтепада ҳозирланди. Бу қонунга уни тайёрлашда иштирок этган етти олимнинг исмига боғлаб, «еттилар васияти» (Жети Жарга) деб ном берилди (Тинишпаев, Қирғиз-қазак в XVII - XVIII асрлар, Труды общества изучения Киргизстана, VI, 6-б. Вяткин, Очерки истории Казахской ССР, I. Москва, 1941. 119 б. «Жетижарга» Тауке хан (Таукхон қонунлари) деб ҳам номланади.).

Тавкхоннинг ҳалафи Болатхон ҳам қалмоқларнинг босқинига қарши қўрсатган ташаббуслари билан қўзғатиланди. Бу орада қалмоқлар 1709 йилда Полтавада русларга асир тушиб, Буххольц ҳарбий разведкасида хизмат қилган ва Иртиш дарёси атрофида 1715 - 1716 йилларда қалмоқлар томонидан асир олинган швед тўпчиси Йохан Аугуст Рентдан қамонавий тўп ясашни ўрганиб олишди. Бу ҳолат козок даштидаги жанг тарзини қамонан ўзгартириб юборди. Бу даврда козокларнинг тўпчи бирликлари йўқ эди. Қалмоқлар эса қисбатан қичик тўплардан козокларни ўтга тутат олар эдилар. 1723 йилда қалмоқлар тўплар билан козокларга қарши қатта юриш бошладилар. Козоклар «Ақтабан Шубранди» деб атаган машъум бир қўшун бошланди. Қимоясиз қолган козоклар қочардилар, оч-яланғоч эдилар ва йўлларда ҳасталаниб ўлардилар. Қалмоқлар қўлига тушган ҳар қимса ваҳшийларча йўқ қилинарди (Қалмоқ босқини натижалари ҳақида қаранг: М. Тинишпаев, Ақ Табан Субринди, «Бартольд», 57-68-б.). Ҳақиқатан

ҳам, XVI юзйилликнинг ўрталаридан то 1730 йилга қадар давом этган қалмоқ-козок урушида козокларнинг йўқ бўлиб кетиш ҳавфи бор эди. Шу билан бирга козоклар яхлит бир давлат ташкил қила олмадилар(Вяткин, 106-6.). Козокларнинг қалмоқлардан мағлубияти ва даҳшатли даврнинг бир хотираси ўларок «Элим ох» туркуси ҳозирга қадар халқ хотирасидан кўтарилмаган.

XVIII юзйилликнинг бошларида Туркистоннинг шимолий қисмига русларнинг ҳужуми бошланишидан аввал козокларнинг мавжудлиги қучлари заиф бўлган уч юзлик кўринишда яшашидагина кўринарди.

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан